

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
PhD.04/13.05.2020.Тиб.93.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**ХАЛИМОВА ДИЛРАБО ЖАЛИЛОВНА**

**БЕЛ ОҒРИҒИ: СОҒЛИҚНИ САҚЛАШНИНГ БИРЛАМЧИ ТИББИЙ  
БЎҒИНИ ДАРАЖАСИДА ДИАГНОСТИКА ВА ДАВОЛАШ  
АЛГОРИТМЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

**14.00.13 – Неврология**

**Тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Бухоро - 2021**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

**Халимова Дилрабо Жалиловна**

Бел оғриғи: соғлиғни сақлашнинг бирламчи тиббий бўғини даражасида тахшишлаш ва даволаш алгоритмларини ишлаб чиқиш ..... 5

**Халимова Дилрабо Жалиловна**

Боль в спине: разработка алгоритмов диагностики и лечения на уровне первичного звена здравоохранения ..... 25

**Khalimova Dilrabo Jalilovna**

Back pain: development of algorithms for diagnosis and treatment at the level of primary health care ..... 47

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works ..... 50

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИLMИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
PhD.04/13.05.2020.Тb.93.02 РАҚАМЛИ ИLMИЙ КЕНГАШ**

---

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**ХАЛИМОВА ДИЛРАБО ЖАЛИЛОВА**

**БЕЛ ОҒРИҒИ: СОҒЛИҚНИ САҚЛАШНИНГ БИРЛАМЧИ ТИББИЙ  
БЎҒИНИ ДАРАЖАСИДА ДИАГНОСТИКА ВА ДАВОЛАШ  
АЛГОРИТМЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

**14.00.13 – Неврология**

**Тиббиёт факультети бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Бухоро – 2022**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси манускрипти Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.4.PhD/Tib1186 рақом билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус ва инглиз (resюме)) илмий кенгаши веб-саҳифасида ([www.bmti.uz](http://www.bmti.uz)) ва «Ziyounet» ахборот-таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Гафуров Бахтиёр Гафурович тиббиёт фанлари доктори, профессор
Расмий оponentлар:	Джурабекова Азиза Тахировна тиббиёт фанлари доктори, профессор Уринов Мусо Болтаевич тиббиёт фанлари доктори, доцент
Етафачи таъшилот:	С.Л. Асфендияров номидagi Қозoқ миллий тиббиёт университети

Диссертация қўйилган Бухоро давлат тиббиёт институти ҳузуридаги РМД 04.03.05.2020 Tib 93.02 рақами Илмий кенгашининг 2022 йил «1» Май соат 14.30 даги мажлисида бўлиб ўтди (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, Навоий кўчаси, 1-ўй. Тел./факс: (99865) 223-00-50, Веб-сайт: [www.bmti.uz](http://www.bmti.uz), e-mail: [bdtmte@mail.ru](mailto:bdtmte@mail.ru))

Диссертация билан Бухоро давлат тиббиёт институти Ахборот-ресурс марказида таъинини муҳимини (№ 243 рақом билан рўйхатга олинган) (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, Навоий кўчаси, 1-ўй. Тел./факс: (99865) 223-00-50, Веб-сайт: [www.bmti.uz](http://www.bmti.uz), e-mail: [bdtmte@mail.ru](mailto:bdtmte@mail.ru))

Диссертация автореферати 2022 йил «11» Февраль куни тарқатилган.  
(2022 йил «11» Февраль даги 11 рақамида регистр баъномаси)



Xodjizoda  
Д.Т. Ходжинова  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаши  
ахборот-ресурс маркази, тиббиёт фанлари доктори (DSc),  
доцент

Karimova  
Н.Н. Каримова  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаши  
илмий кенгаши илмий котиби, тиббиёт  
фанлари доктори (DSc), доцент

Ikhtirova  
Г.А. Ихтирова  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаши  
қўйилган илмий семинар раиси, тиббиёт  
фанлари доктори (DSc), профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Белдаги оғрик (дорсалгия) бугунги кунда нафақат клиник, балки сезиларли ижтимоий-иқтисодий муаммо бўлиб, невролог, терапевт ёки умумий амалиёт шифокорига мурожаат қиладиган беморлар орасида энг кўп учрайдиган шикоят ҳисобланади. Белдаги оғрик муаммоси клиник неврологиянинг долзарб муаммоларидан биридир. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра «...белдаги оғрик билан касалланган беморлар сурункали кечовчи туфайли соғлиғини, умр кўриш муддатининг қисқариши бўйича дунёда биринчи ўринда туради...»<sup>1</sup>. Статистик маълумотларга кўра, дунё аҳолисининг 80% белдаги оғриқдан азият чекади. Биринчи марта бирламчи бўғин шифокорларига мурожаат қилган беморларнинг 25% дан ортиси бел ва оёқ-қўл соҳасида оғрик бўлган беморлар ҳисобланади. Бир ой ичида оғриқни бартараф этиш қобилиятига фақат 80% ҳолларда даволаш орқали эришилади, бошқа ҳолатлар сурункали ифодаланган ва даволашга мўйил ҳисобланади. Ушбу сурункали беморлар аҳолининг тахминан 4% ни ташкил қилади.

Жаҳонда бирламчи tibбий бўғинда аҳолига неврологик ёрдам кўрсатиш, касаллик олдди босқичини эрта ташхислаш, нейродегенератив жараённи амж олишини секинлаштириш ва индивидуал даволашнинг замонавий ёндашувига қаратилган кенг қўламдаги илмий тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратишмоқда. Бу борада бирламчи tibбий бўғинда неврологик касалликлар тарқалиши сабаблари, эрта ташхислашнинг юқори технологик диагностика усуллари ва даволаш меzonларини оптималлаштириш, даволаш усуллари ҳамда ўрта даражадаги когнитив бузилишларни ривожланиш омилларини ва прогнозни самарали моделларини яратиш мақсадида қатор илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Бирламчи tibбий бўғинда оқлавий шифокорлар даражасида асосий неврологик синдромлар белгиларини ташхислаш ва касаллик прогнозини оптималлаштириш ҳамда неврологик ёрдамчи таксимлаштириш, профилактик фармакологик таъсир имкониятларинини баҳолаш қабилар ўзинга хос аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган tibбий хизмат сифатини тубдан яхшилаш ва соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантиришга қаратилган кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. «...аҳолига кўрсатилаётган tibбий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, tibбий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, ташхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усулларини жорий қилиш, диспансеризациянинг самарали моделларини яратиш орқали, соғлом турмуш тарзини қўлаб қувватлаш ва касалликларни профилактика қилиш...»<sup>2</sup> га қаратилган муҳим вазифалар белгиланган. Хусусан, бугунги кунда Ўзбекистонда белдаги оғриқдан азият чеққан беморларга ёрдамни ташкил

<sup>1</sup>Кукушкин М.Л. Узинг хис бўлишга белдаги оғриқни ташхислаш ва даволаш. "Клиник tibбий". 2016. №8. 8-126

<sup>2</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси аҳолига 2017-2021 йилларда иқтисодий-ижтимоий тиббий ёрдам кўрсатиши аниқ ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3071-сон Қарори

этишда, сурункали соматик касалликлар, шу жумладан суяк-мушак тизими ва бириктирувчи тўқималар касалликлари, белдаги оғрик касалликларнинг эрта танишловаш ва олдини олиш учун махсус алгоритмлар, илмий шланмаларни жорий этишни талаб қилади.

Ушбу диссертация тадқиқоти маълум даражада, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йилнинг 7 февралдан “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси” ПФ-4947-сон фармони, 2017 йилнинг 20 июнидан “Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3071-сон қарори, 2018 йил 7 декабридан “Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5590-сон фармони, 2018 йил 30 августидан “Аҳолига неврологик ёрдам кўрсатишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3925-сон қарори, шунингдек ушбу соҳада қабул қилинган бошқа меъриёв-ҳужжатларда белгиланган вазифаларнинг бажарилишига хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологилари ривожланишининг устувор йўналишларига мўлғити.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологилар ривожланишининг VI. «Тиббийёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Амбулатор-поликлиника шарафига тиббий ёрдам учун мурожаат қилган аҳолининг барча контингентидан неврологик хасталиги бўлган беморларнинг улушини умумий тахлисни амалга ошириш, шунингдек, бундай касалликларни ўз вақтида танишловаш мақсадида онлавий шифокор/умумий амалиёт шифокори ишнин енгиллаштириш учун беморларни ихтисослаштирилган кўриқдан ўтказишнинг босқичма-босқичлигини ўрганиш ва оптималлаштириш зарур. Илмий изланишлар бирдамчи тиббий бўғинда қишлоқларда амбулатор-тиббий ёрдам кўрсатишни ташкил этишни такомиллаштириш муаммоларини ҳар томонлама кўриб чиқмоқда. Кўпгина олимларнинг ишларида тадқиқотлар Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ислох қилиш Давлат дастурига мувофиқ аҳолига бирдамчи тиббий-санитария ёрдамининг юқори даражаси ва сифатини таъминлаш мақсадида даволаш-профилактика муассасалари пунктларини ташкил этиш ва маҳаллийлаштириш тизими ва жараёнини такомиллаштириш масалаларини ҳал этиш йўлларини излашга бағишланган (Межликулов П.Р. ва ҳаммуал., 2006; Шерназаров Ф.Х., 2014).

Хасталиқнинг ўткир давридан кейин реабилитация тамойилларига риоя қилинган ҳолатда, энг замонавий ва қиммат даволаш ҳамда реабилитация усулларидан эмас, қўллаб-тиббийёт муассасаларида мавжуд шарафдан фойдаланиш реабилитация чораларининг самарадорлигини ошириш ва касалликни бошидан ўтказган ахсарият беморларни ногиронликсиз, мустақил ҳаётга қайтариш имконини беради (Дамулин И., Дегтерев Д., Струценко А., 2017; Никитина В.Б. ва ҳаммуал., 2017; Лопитина Т.Н., Терентьева О.В., 2019).



Ушбу таъминотлар бел соҳасида оғрик бўлган беморнинг бирламчи муружаат қилишида шифокор эътиборини ўсма, юқумли жараёнлар, чанок органларининг касалликлари ва бошқаларни ўз ичига олган жиддий патологик шароитларни излаш ва исетино қилишга қаратилганлигини англатади. Ушбу патологияларни аниқлайдиган баъзи аломатлар мавжуд, улар "тахдид белгилари" ("қизил байроқлар") деб аталади, агар улар топилса, у ҳолда амалиётчи шифокор беморни чуқурроқ текширишга ўтади. Ушбу белгиларни аниқлашмаслик оғриқнинг ўзига хос эмаслигини, яхши сифатли эканлигини ва қўшимча текширувларни талаб қилмаслигини кўрсатади (Абдуллаев Р., Кючоқебе О.Б., Челик Б., 2015). Белдаги оғриқнинг сабабларини эрта аниқлашда янги ёндашувларнинг тез ва кенг тарқалган ривожланишига қарамадан, бугунги кунга келиб, аниқ таъхисни одатда биринчи сигналлар пайдо бўлганидан кейин 7-10 кундан кечиктирмай қўйиш мумкин. Хориқлик тадқиқотчиларининг фикрича, бу икки сабабга кўра содир бўлади. Биринчидан, рентгенографик тадқиқотлар пайтида қайд этилиши мумкин бўлган ўзгаришларнинг кечиктирилган намоён бўлиши. Мисалан, сакроилентининг намоён бўлиши думгаза бел соҳасидаги бўғим яллиғланиши ҳисобланади. Бундай ҳолда, ўзгаришлар думгаза бел соҳасидаги бўғимда доимий ёки прогрессив яллиғланиш шароитида бир неча йил давомида пайдо бўлади. Иккинчидан, умумий амалиёт шифокорлари ушбу касалликни таъхислаш тартиб-қоидалари ҳақида етарли маълумотга эга эмаслар (Boyer G.S. et al., 2010; Jois R.N. et al., 2010; Ravikanth R., 2019).

Бел оғриқлари мавжуд бўлган, қон айланишининг бузилишлари ривожланаётган, ҳамда касалликлар хавфи бор беморлардаги асоратларни дастлабки босқичларида аниқлашга имконият яратувчи нейробиологик, нейровизуализация ва нейробиохимик текширувларининг комплекс усулларини такомиллаштириш ҳамда патологияни эрта аниқлашга ёрдам берувчи ва таъхислашнинг янги имкониятларини очилишига имкон яратувчи мавзуларда тадқиқотлар олиб бориш тиббиёт олдига турган долзарб масалалардан ҳисобланади. Мазкур масалаларга йўналтирилган тадқиқотларни давом эттириш муҳим амалий аҳамиятга эга.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация иши Бухоро давлат тиббиёт институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ бажарилган. №03.2021.PhD125 "Бухоро ҳудуди иссиқ иқлими шароитида организмнинг патология олд ва патологик ҳолатларини эрта таъхислаш, даволаш ва олдини олишга қаратилган янги ёндашувларни ишлаб чиқиш (2017-2021 йй.)" мавзусидаги илмий-тадқиқот ишлари режаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади:** бирламчи тиббий бўғимдаги умумий амалиёт шифокори амалиётида белнинг пастки қисмида оғриқлар пайдо бўлиши ва клиник тузилишини таъхис қилиш ва умумий амалиёт шифокори томонидан ушбу беморларни текшириш ва даволаш алгоритминини ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

соғлиқни сақлаш тизимининг бирламчи бўғинида tibбий хужжатлар асосида бел оғриғи билан касалланган беморларнинг тарқалиш даражаси, ташхислаш сифати ва тўлиқлиғи ҳамда tibбий ёрдам сифатини ўрганиш;

ишлаб чиқилган сўровномалардан фойдаланиб, лөмбелгия синдроми билан tibбий ёрдамга мурожаат қилган беморларда касалликнинг клиник тузиллишини таҳлил қилиш, қўшимча текширув усулларини (КТ, МРТ, лаборатор таҳлиллар) тўғри талқин қилишни ҳамда беморларнинг ёш ва жинс таркибини баҳолаш;

носпецифик, радикуляр ва ўзинга хос бел оғриғининг қиссий ташхисоти ва уларни даволаш стандартлари тўғрисидаги хабардорлигини текшириш учун умумий амалиёт шифокори сўровини ўтказиш;

олинган натижаларга асосланиб, бирламчи tibбий бўғиндаги умумий амалиёт шифокори томонидан белнинг пастки қисмида оғриқлар бўлган беморларни ташхислаш ва даволаш алгоритмини ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқот объекти** сифатида тасодифий репрезентатив саралаш йўли билан танланган Бухоро вилоятида яшовчи аҳоли олинган.

**Тадқиқот предмети** сифатида неврологик ҳолатни комплекс кўриқдан ўтказиш натижалари ва нейровизуализация усулларининг натижалари хизмат қилади.

**Тадқиқот усуллари:** диссертация ишида клиник-неврологик, нейропсихологик, нейровизуализация, асбобли ва статистик тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий аҳамияти қуйидагилардан иборат:**

илк бор шаҳар ва қишлоқ аҳолиси, аёллар ва эркеклар, уюшган ва уюшмаган аҳоли орасида дорсалгия синдромининг тарқалиши, шунингдек, шаҳар ва қишлоқ аҳолисининг бел қисмидаги оғриқ синдромининг клиник ва патогенетик тузилиши ўрганилган;

илк бор бирламчи tibбий бўғиндаги умумий амалиёт шифокори учун бел оғриғи жараёнини бoshқаришнинг амонавий тамойиллари жорий этилиб, бу ўз навбатида уларнинг ишига илмий ёндашувларни янада тадбиқ этишга ёрдам берган;

бел оғриғи бор беморларда орқа оғриқни аниқлаш ва асосий соғлиқни сақлаш даражасида бoshқарув тактикасини танлаш учун электрон дастурий тизимлот яратилган;

илк бор бирламчи tibбий бўғини амалиётида белдаги оғриқларни даволаш алгоритми ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:**

соғлиқни сақлаш тизимининг бирламчи tibбий бўғинининг демографик, tibбий-ташхисий ва кадрларга оид хусусиятларини чуқур таҳлил қилиш асосида оқлавий шифокор тамойили бўйича амбулатор-поликлиника ёрдамини бoshқарма-босқич қайта ташкил этиш бўйича чора-тадбирлар мажмуаси ишлаб чиқилган;

оқлавий шифокорлар амалиётига исботловчи tibбиётга асосланган диагностика ва даволашнинг клиник баённомалари жорий этилиб, уларнинг tibбий ёрдам сифатини ошириши исботланган;



соғлиқни сақлаш тизимининг бирламчи бўғинида профилактик чора-тадбирлар ҳажмини ошириш асосида неврология соҳасидаги онлавий шифокорлар фаолияти оптималлаштирилган;

бирламчи тиббий бўғин шифокорлари учун белнинг пастки қисмидаги оғриқларни ташxisлаш ва даволаш алгоритми кўринишида махсус қўлланма тузилган, бу вазгинчалик меҳнатга қроқсиз қунларини қисқартириш ва аҳолининг ҳаёт сифатини яхшилашга ёрдам бериб, катта истисодий самарадорлик берган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** соғлиқни сақлашнинг амалий даражасида тадқиқот методологияси ва дизайнини амалга ошириш билан асосланганлиги; тадқиқотнинг мақсад, вазифалари ва предметларига мувофиқ амалга оширилганлиги, замонавий услуб ва ёндашулардан фойдаланилганлиги, назарий маълумотларнинг олинган натижаларга мувофиқлиги, олиб борилган тадқиқотларнинг методология нуктаи назардан тўғрилиги, етарли миқдорда беморлар саралаб олинганлиги, математик-статик тадқиқот усуллари, диагностика ва профилактик даволашни оптималлаштириш натижаларини ҳорижий ҳамда маҳаллий тажриба билан таққослаш, ҳулосалар, шунингдек олинган натижалар вақолатли тузилмалар томонидан асосланганлиги билан тасдиқланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти бел оғриқидан азият чекувчи беморларни эрта ташxisлаш ва даволаш чора-тадбирларини оптималлаштириш билан бирга беморларнинг нейрпсихологик, жисмоний лаёқатини ошириш, ҳаёт сифати даражасини яхшилаш шу билан бир қаторда меҳнат қобилиятини тиклаш билан изохланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти бел оғриқидан азият чекувчи беморларни аниқлаш, касалликнинг асоратланган шакли ривожланишини олдини олиш, ҳамда унинг эрта даврида даволаш чора-тадбирларини амалга ошириш, шунингдек, йўқотишган, меҳнатга лаёқатсиз қунларининг қамайиши ва беморлар ҳаётининг сифатини ошириш имкониятининг таъдим қилиниши билан ифодаланади.

**Тадқиқот натижаларинининг жорий қилиниши:** бел оғриқи: соғлиқни сақлашнинг бирламчи тиббий бўғини даражасида диагностика ва даволаш алгоритмларини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар асосида қуйидагилар яратилди:

“Белдаги оғриқларни бирламчи тиббий бўғинларда ташxisлаш, синдром ва симптомларини даволаш” услубий тавсиянома (ЎзР Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021-йил 12 октябрдан №8н-р/912-сон ҳулосаси билан тасдиқланган). Маъмур услубий тавсиянома бирламчи тиббий бўғинда белдаги оғриқларни ташxisлаш, синдром ва симптомларини даволаш усулларида фойдаланиш имконини берган;

“Белдаги оғриқларни аниқлаш, ташxisлаш, даволаш ва профилактик чора-тадбирларни оптималлаштириш” услубий тавсиянома (ЎзР Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021-йил 2 ноябрдан №8н-р/1025-сон ҳулосаси билан тасдиқланган). Маъмур услубий тавсиянома белдаги оғриқларни аниқлаш,

ташхислаш, даволаш ва профилактик чора тadbирларини оптималлаштириш усулларидан фойдаланиш имконини берган;

илмий ишнинг натижалари Бухоро шаҳар тиббиёт бирлашмасига қарашли 3 ва 8-сон оилавий поликлиникалар амалиётига тadbир қилинган (ЎзР Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021-йил 18 ноябр №8и-з/439-сон ҳуқуқаси). Олинган натижаларнинг амалиётга жорий қилиниши бел оғриги билан касалланган беморларни аниқлаш, касаллик асоратларини ва ногиронликни камайтириш ва беморлар ҳаёт сифатини яхшилаш имконини берди.

**Тadbирот натижаларининг апробацияси.** Маъмур тadbирот натижалари 5 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан, 3 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳоқимадан ўтказилган.

**Тadbирот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация маъзуси бўйича жами 29 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 10 та мақола, жумладан, 5 таси республика ва 5 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши.** Диссертация таркиби юрши, бешта боб, хотима, ҳуқуқасалар, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 146 бетни тashкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** юзюмда диссертация маъзузининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тadbиротнинг мақсади ва вазибалари, текширув объекти ва предметлари аниқланган, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тadbиротнинг илмий аҳамияти ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, уларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тadbирот натижаларини соғлиқни сақлаш амалиётига жорий этилганлиги, апробация натижаси, нашр қилинган мақола, диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи бобида «**Бел оғриги синдромининг учраш даражаси, диагностика ва даволашда замонавий ёндашув**» маъзуида олиб борилган тadbирот натижалари, хорижий ва маҳаллий адабиётлар таҳлили батафсил ёритилган. Тadbирот мақсаидан келиб чиққан ҳолда бел оғриги билан касалланган беморларда клиник-неврологик ва нейрпсихологик бузилишларнинг патогенези, клиникаси, тashхислаш ва даволаш тамойилларининг афзалликлари ва камчиликлари таҳлил қилинган, шунингдек, маъмур муаммонинг ўз ечимини топган ҳамда ечимни топилиши лозим бўлган аспекти белгиланган. Такдослаш жиҳатидан, у мантқан ефити 5-7 йил давомда замонавий адабиётлар шарҳидан олинган маълумотлардан фойдаланган, ҳамда илмий ишнинг ҳозирги кунда долзарблиги кўрсатилган.

Диссертациянинг иккинчи боби «Бел оғриги диагностикаси ва давоси бўйича тадқиқот материаллари ва усуллари» клиник, неврологик ва нейрпсихологик тадқиқотларни ўз ичига олиб, Бухоро шаҳри 1-сон оилавий поликлиникасига ва қишлоқ оилавий поликлиникаларига мурожаат қилган 147 нафар беморда олиб борилиб, 2017 йилдан 2019 йилгача бўлган 3 йиллик давр мобайнида амалга оширилган ишлар қўламини бағишланган. Белнинг пастки қисмида оғриқлари бўлган беморларда учрайдиган аломатлар, оғриқларнинг хусусиятлари, тарқалиш даражаси, клиник хусусиятлари таҳлил қилинган. Беморларда скрининг нейрпсихологик синамалар, бел оғриғига хос эпидемиологик анкеталар ёрдамида текширишлар амалга оширилган.

Текширувда қуйидаги стандарт ҳолатларга мос келадиган, бел соҳасида оғриқ синдроми мавжуд бўлган беморлар камраб олинган:

тиббий меъёрларга мувофиқ, тиббий тадқиқотларда иштирок этиш учун беморнинг ёшга розилиги олинган;

20 ёшдан 70 ёшгача бўлган эркак ва аёл беморлар;

бутун тадқиқот давомида протокол талабларига риоя қилиш имконияти бор беморлар;

ВАШ бўйича 4 дан 9 баалгача бўлган, миофасциал генез устуңлиги билан бел-думгаза соҳасида оғриқ синдроми мавжуд бўлган беморлар;

умумий аҳоли дастлабки текширувда қоникарли деб баҳоланган беморлар.

Биринчи навбатда, 2017-2019 йилларда танлаб олинган беморларнинг амбулатор карталари ўрганилган.

Амбулатор карталарни ўрганиш шунинг кўрсаткичи, тананинг орқа қисмида турли хил оғриқлари бўлган 4890 та беморнинг 1365 таси (27,9%) да бел соҳасида оғриқлар бўлган. Улардан 733 таси эркак бемор (53,7%) ва 632 таси аёл бемор (46,3%). Уларнинг ўртача ёши эркаклар учун  $32,5 \pm 5,7$  ёшни, аёлларда  $38,3 \pm 7,5$  ёшни ташкил этди. Умуман олганда, беморларнинг ёши 23 дан 68 ёшгача (1-жадвал).

3 йиллик тадқиқот даври давомида - йиллар бўйича ўрганилган беморларнинг улуши 2017 йилда - 30,2% ( $n=412$ ), 2018 йилда - 35,8% ( $n=489$ ), 2019 йилда - 34,0% ( $n=464$ ) ни ташкил этган.

Олинган натижаларни статистик қайта тизимлаш StatSoftInc. фирмасининг STATISTICA 10.0 статистик дастурий пакетлари ёрдамида, шунингдек, "EXCEL-2010" компютер дастури ёрдамида шахсий компютерда амалга оширилди.

Таҳлил қилинаётган хусусиятларнинг тахсимот параметрлари STATISTICA 10.0 дастурининг эҳтимолийлик калькулятори ёрдамида аниқланди. Бунда биз статистик таҳлилниң параметрик ёки параметрик бўлмаган усулларини қўлландик.

Тадқиқот натижаларининг статистик аҳамияти тахсимот турини ҳисобга олган ҳолда баҳоланди. Нормал ҳолатда, текширилган беморларнинг деярли 95%ида кўрсаткичлар ўрта даражадан  $+ 2 SD$  (ўртача квадратик оғиш) оғганини кўрсатди. Тадқиқот маълумотларини тавсифлаш жараёнида қуйидаги қисқартмалар қўлланилди  $M (SD)$  шаклида, бу ерда  $M$

– ўртача арифметик қиймат, SD – ўртача квадратик оғиш. Кўрсаткичлар қиймати нормал даражадан сезиларли фарқ қилса, параметрик бўлмаган мезонлар ишлатилди. Бизнинг тадқиқотимизда параметрларни тақсимлаш нотўғри бўлган, шунинг учун ҳар иккала гуруҳнинг солиштирма ўртача қийматлари орасидаги фарқни баҳолаш учун параметрик бўлмаган Манн-Уитнининг U-тести ишлатилди.

I жадвал

**Тадқиқотнинг биринчи босқичида гуруҳдаги беморларнинг жинси ва ёши бўйича таркиби**

Ёш	I гуруҳ					
	Эркеклар		Аёллар		Жами	
	Мут.	%	Мут.	%	Мут.	%
20-30	123	26,4%	74	17,2%	197	22,0%
30-40	84	18,0%	67	15,5%	151	16,8%
40-50	79	17,0%	61	14,2%	140	15,6%
50-60	67	14,4%	108	25,1%	175	19,5%
60-70	113	24,2%	121	28,1%	234	26,1%
<b>Жами</b>	<b>446</b>	<b>52,0%</b>	<b>431</b>	<b>48,0%</b>	<b>897</b>	<b>100%</b>
	II гуруҳ					
	Эркеклар		Аёллар		Жами	
	Мут.	%	Мут.	%	Мут.	%
20-30	84	31,5%	31	15,4%	115	24,6%
30-40	43	16,1%	28	13,9%	71	15,2%
40-50	36	13,5%	31	15,4%	67	14,3%
50-60	35	13,1%	39	19,4%	74	15,8%
60-70	69	25,8%	72	35,8%	141	30,1%
<b>Жами</b>	<b>267</b>	<b>57,1%</b>	<b>201</b>	<b>42,9%</b>	<b>468</b>	<b>100%</b>

Нормалдан фарқ қилувчи тақсимотлар учун Спирман даражали корреляция коэффициентни қўлланди. Иккала ҳолатда ҳам корреляциянинг статистик аҳамияти  $P < 0,05$  қийматида эканлиги аниқланди. Рақамлар ва фонларнинг улушлари орасидаги фарқни баҳолаш STATISTICA 10.0 дастурининг икки ўлчамли айирини тести ёрдамида амалга оширилган.

Диссертациянинг «Тадқиқотнинг биринчи босқичида беморларнинг клиник ва эпидемиологик хусусиятлари» деб номланган бобида беморлардаги бел оғриғи белгиларининг клиник ва эпидемиологик хусусиятлари, улар билан биринчи босқичда олиб борилган текширув натижалари бўйича ўтказилган таҳлиллар келтирилган. Беморларда бел оғриғининг бирлашми тиббий бўғиндаги мурожаатнинг тузилиши, учраш даражаси, ёш бўйича тарқалиши, касбга оид бел оғриғининг белгилари ва хусусияти, турлари ва унинг белнинг пастки қисмидаги оғриқлар билан боғлиқлик даражалари ўрганилган.

2017 йилдан 2019 йилгача бўлган тадқиқотнинг биринчи босқичида бел-думгаза соҳасидаги оғриқларга шикоят билан поликлиникага мурожаат қилган 23 ёшдан 68 ёшгача бўлган 1365 нафар бемор таҳлил қилинган. Оғриқ синдромининг тури ва давомийлигини белгилаш, унинг пайдо бўлиши ва



кучайишига таъсир кўрсатган омилларни аниқлаш мақсадида амбулатор карталарни ўрганиш амалга оширилган. Амбулатор карталардан олинган маълумотларнинг ҳам аҳамияти оз эмас: беморларнинг касби, жинси, ёши, текширув вақтида унинг вазни, бундан ташқари, тана вазни индекси, холестерин микдори кўрсаткичлари, коморбид патологияларнинг mavjudligи ва уни даволашнинг асосий йўналишлари, шунингдек нейровизуализацион текширув маълумотларини олиш имкониятини берган.

Амбулатор карталарни таҳлил қилиш жараёнида қуйидаги камчиликлар аниқланган, - касаллик тарихи, турмуш тарзининг тарихи, умумқилиниқ ва неврологик кўриқларда беморнинг шикоятлари тўлиқ акс эттирилмаган. Беморларнинг 56,7 фоизи бел оғриги ташхиси учун тўлиқ текширувдан ўтказилмаган (лаборатор таҳлиллари, ЭКГ, қорин бўшлагани органларининг ультратовуш текшируви, бел умурткаларининг рентгенографияси, умуртка погонаси бел қисми КТ ва МРТси).

Текширилган беморларда бел оғриги ривожланишининг сабабларини аниқлаш бўйича натижалар олинди: ҳаддан ташқари жисмоний юклама туфайли бел эриққанда, тананинг ноқулай ҳаракати ёки мажбурий ноқулай ҳолатда бўлганда 572 нафар беморда оғриқ пайдо бўлган (41,8%); турли хил хавфли - травматик ҳолатлардаги оғриқ 248 нафар беморда (18,3%) содир бўлган; стресс туфайли - 82 нафар беморда (6,1%); оғриқ пайдо бўлиши ва кучайишининг аниқ сабаби йўқлиги - 60 нафар беморда (4,4%); ҳаддан ташқари соғук қотиш туфайли 139 нафар беморда оғриқ пайдо бўлган (10,1%); туғруқдан кейинги даврда 57 нафар беморда оғриқ бўлиб (4,2%) ва 12,3% ҳолларда амбулатор карталарда оғриқ сабаби кўрсатилмаган.

Бундан ташқари, mavjud оғриқ синдромининг кучайишига сабаб сифатида беморлар қуйидагиларни кўрсатадилар: травматик ҳолатлар - 147 бемор (16,7%), кўплаб жисмоний юклама, ноқулай ҳаракат, ноқулай ҳолатда бўлиш 381 бемор (43,2%), ҳаддан ташқари соғук қотиш - 71 та бемор (8,1%), стресс - 12 нафар бемор (1,4%), операциядан кейин - 7 нафар бемор (0,8%). Аниқ қўзғатувчи сабабсиз оғриқ синдромининг кучайиши 46 нафар беморда қўзғатилди (5,2%).

Гуруҳлар ҳесмидаги ушбу кўрсаткичлар 2-жадвалда кўрсатилган.

Шундай қилиб, биринчи марта 483 нафар бемор (35,4%) бел оғриги билан шифокорга мурожаат қилди, ушбу патология билан поликлиникага такроран мурожаат қилган беморлар сонини деярли икки баробарга кўп - 882 (64,6%) нафарини ташкил этган. Шу билан бирга, II-гуруҳда бу кўрсаткич I-гуруҳга қараганда анча юқори бўлиб, эҳтимол бу туманларда кўп сонли хусусий клиникаларнинг йўқлиги ва беморлар кўпинча яшаш жойидаги поликлиникаларга мурожаат қилишлари билан боғлиқ - мос равишда 62,8% ва 68,2%. Бирламчи ва такрорий бел оғриги пайдо бўлишининг сабаблари таҳлил қилинди. Жадвалдан кўриниб турибдики, такроран мурожаат қилган беморлар орасида оғриқнинг пайдо бўлиши ҳаддан ташқари жисмоний эриқош (II-гуруҳда бу кўрсаткич I-гуруҳга қараганда юқори) ва стресс омиллари (бу ҳолда кўрсаткич I-гуруҳда II-гуруҳга қараганда юқори бўлиб чиқди) туфайли етарлича кўп учрайди.



Бел оғриғи пайдо бўлишининг яшаш шартитига ва мурожаат қилиш  
тезлигига боғлиқлиғи

I гуруҳ (n=897, 65,7%)				
Бел оғриғи пайдо бўлиш сабаблари:	Биринчи марта мурожаат қилган беморлар (Гуруҳ ичидаги сон н=334, 37,2%)		Такроран мурожаат қилган беморлар (Гуруҳ ичидаги сон н=563, 62,8%)	
	мут.	%	мут.	%
оғир юк кўтариш	132±15,2	39,5%	252±27,3	44,8%
травматик ҳолатлар	68±8,7	20,4%	93±9,1	16,5%
Стресс	22±2,3	6,6%	49±5,3	8,7%
Сабабсиз	13±1,6	3,9%	41±4,8	7,3%
қаттиқ совуқ қотнишдан кейин	49±6,1	14,7%	33±3,8	5,9%
туғруқдан кейинги даврда	9±1,7	2,7%	15±2,1	2,7%
турли ҳилдаги операциялардан сўнг	5±0,7	1,5%	3±0,4	0,5%
тана ҳароратининг ошishi	2±0,2	0,6%	5±0,6	0,9%
сабаби кўрсатилмаган	34±4,2	10,2%	72±8,9	12,8%
II гуруҳ n=468, 34,3%				
Бел оғриғи пайдо бўлиш сабаблари:	Биринчи марта мурожаат қилган беморлар (Гуруҳ ичидаги сон н=149, 31,8%)		Такроран мурожаат қилган бемор (Гуруҳ ичидаги сон н=319, 68,2%)	
	мут.	%	мут.	%
Оғир юк кўтариш	59±6,2*	39,6%	129±15,2**	40,4%
Травматик ҳолатлар	33±3,4***	22,1%	54±6,7***	16,9%
Стресс	5±0,7**	3,4%	6±0,8**	1,9%
Сабабсиз	1±0,2***	0,7%	5±0,6***	1,6%
Қаттиқ совуқ қотнишдан кейин	19±2,1**	12,8%	38±4,2**	11,9%
Туғруқдан кейинги даврда	10±1,8***	6,7%	25±3,6***	7,8%
Турли ҳилдаги операциялардан кейин	2±0,3**	1,3%	4±0,5**	1,3%
Тана ҳароратининг ошishi	1±0,2**	0,7%	3±0,3**	0,9%
Сабаби кўрсатилмаган	19±2,7***	12,8%	43±5,8***	13,5%

Эслатма. \* T-Студент таҳлили ҳисобига кўра натижалар кўйидаги ҳолатларда ишончли (\*- p<0,05; \*\*- p<0,01; \*\*\*- p<0,001).

Туғрухдан кейинги бел оғриғи улуғи I-гурухдағи 2,7% га қарағанда II-гурухда 12,8%ли юқори кўрсаткичга эғи эканлиғи кўринади. Хаддан ташқари совуқ котишдан кейинги тақрорий ташрифларда II-гурухда беморлар кўпроқ бўлган (5,9% га нисбатан 11,9%), биринчи ташрифда бу кўрсаткич иккала гурухда ҳам бир хил бўлган. Юқоридағилардан хулоса қилиб айтишимиз мумкинки, бел оғриғининг асосий сабаблари хаддан ташқари жисмоний иклама ва травматик омиллар бўлиб, улар фоиғ нисбатида текширилганда беморларнинг II-гурухда, иғни туманларда яшовчи беморларда юқори бўлган. I-гурухда, бел оғриғи туғайли дастлабки зуружаат пайғида 10,2% ҳолларда, иккинчи ташриф пайғида эса - 12,8% ҳолларда оғриқ сабаблари кўрсатилмаган, II-гурухда бу кўрсаткичлар мос равишда 12,8% ва 13,5% ни ташкил юлган.

Кўпинча бел оғриғи сентябр ва январ ойларида кузатилган (мос равишда 27,4% ва 38,8%), ва ҳамдан кам эса - февралда - 12,5% кузатилган.

Сурункали бел оғриғи 549 беморда (40,2%), ўғири бел оғриғи - 425 беморда (31,1%) аниқланди. Кейинчалик, бел оғриғи кўпчилик беморларда сурункали синдромга айланди. Бу кўрсаткич туман аҳолиғи орасида анча юқори.

Умуман олганда, сурункали оғриқларни хис этадиган беморларда касаллиқнинг ўртача давом этиши  $11,5 \pm 4,1$  йилни ташкил этади: аёл беморлар орасида  $13,4 \pm 3,9$  йил, эркек беморлар орасида эса  $8,7 \pm 5, 2$  йил (1-расм).




1-расм. Жинс (ёш)га боғлиқ ҳолда бел оғриғи касаллиғининг ўртача давомийлиғи

1-расмдан кўриниб турибдики, II-гурухга қарағанда I-гурухда кўпроқ оғриқлар бўлган. Аёлларда бу кўрсаткич эркекларга қарағанда юқори кузатилган.

Текширилган беморларнинг ўртача тана вазни индекси  $28,1 \pm 3,2$  ни ташкил этади: аёллар учун -  $30,1 \pm 1,4$ , эркекларда эса -  $28,4 \pm 2,9$  (2-расм). 2-

расмдан кўриниб турибдики, тана вазни индекси кўрсаткичлари I-гурухда ва айниқса аёлларда юқори бўлган.



**2-расм. Гуруҳлар кесимида жинсга боғлиқ ҳолда тана вазни индексининг ўртача қиймати**

Тадқиқотимизнинг иккинчи босқичи шەхар аҳолисининг хизматчиларида, туман аҳолисида ишчиларда сезиларли даражада юқори бўлган. Ушбу босқичда, тадқиқот давомида, белнинг пастки қисмидаги оғриқ билан мурожаат қилган 124 нафар бемор кўриқдан ўтказилган, улардан 70 нафари эркак (56,5%) ва 54 нафари аёл (43,5%). ўртача ёши 55,3 йил ( $\pm 13,8$ ), касаллик умумий давомийлиги ( $M \pm \sigma$ ) - 58,8 ой ( $\pm 41,6$ ) ва касалликнинг кучайиши охириги ҳолатининг ўртача давомийлиги ( $\pm \sigma$ ) - 10,5 ой ( $\pm 16,3$ ).

Беморларнинг вазини улчаш бўйича кўрсаткичлар қуйидаги натижаларни берди: барча кўриқдан ўтказилган беморларнинг ўртача вазни 57,45 $\pm$ 8,40 кг, аёлларда - 79,88 $\pm$ 5,42 кг ва эркакларда - 53,43 $\pm$ 6,6 кг кўриқдан ўтказилган беморларнинг холестерин даражаси ўртача 5,71 $\pm$ 1,3 ммол/л ни ташкил этди: аёлларда 5,72 $\pm$ 0,6 ммол/л, эркакларда эса 5,44 $\pm$ 1,1 ммол/л.

Беморлар икки гуруҳга бўлинган: "А" гуруҳи белнинг пастки қисмидаги оғриқ билан мурожаат қилганлар – 62 нафар (50,0%) шەкарлик беморлар, "Б" гуруҳи белнинг пастки қисмидаги оғриқ билан 62 нафар (50,0%) қишлоқ жойлардан келган беморларни ташкил қилган. Беморларни кўриқдан ўтказиш клиник аломатлар комплекси бўйича ўтказилган: тегишли миотомонинг ўртача ҳаракат бузилиши, оғриқ синдроми, асосан тегишли дерматомдаги тушиш турига қараб сезувчанлик бузилиши, қўзилишининг ажобий белгиларининг анисламани, проприорефлекснинг тушиши ёки пасайиши. Беморларни бирлашчи кўриқдан ўтказиш умумий натижалари шунинг кўрсатдики, кўпинча думба, бел-думбала ёки оёқдан бошлаб оёқ қафтингача ўтиб борувчи, ҳамда ҳаракатланганда ва кучанганда тегишли тана қисмида, умуртка погонасининг қисмига юклама берганда ёки кучайиб борувчи ёки қимирламай турган ҳолатда пастки мучалардаги оғриқларга шикоят қилиб мурожаатлар юлинган. Белдаги оғриқнинг интенсивлигини беморлар гуруҳи ўртасида миқдорий жиҳатдан ҳамда оғриқли синдром динамикасини баҳолашнинг эҳтимолигини инфодалаш мақсадида биз томонимиздан ВАШ

номли оғриқнинг рақамли визуал шкаласидан фойдаланилган. Олинган маълумотлар 3-расмда кўрсатилган.



**3-расм. Икки гуруҳ бўйича белнинг пастки қисмидаги оғриғи бор беморларда ВАШ бўйича оғриқ даражасининг балларда ҳисобланиши**

Беморлар клиник кўриқдан ўтказилганидан кейин ушбу кўриқ қуйидаги ноқулайлик белгиларини фарқлаш имконини берган: 87 нафар беморда (70,3%) паравертебрал нукталар ва белдаги остик ўсиқлар пайпасланганда оғриқта бўлган реакциянинг мавжудлиги; 63 нафар беморда (50,7%) бел-думғаза соҳасида ҳаракатнинг чекланиши; 35 нафар беморда (28,1%) бел-думғаза соҳасида ҳам горизонтал, ҳам вертикал ҳолатда пастозлик; 72 нафар беморда (58,4%) бел-думғаза соҳасидаги паравертебрал мушакларнинг дефанси кузатилган.

Неврологик ҳолатига кўра беморлар қуйидагича тақсимланган: пастки мучалардаги илдиҳасиз турдаги ҳиссий бузилиш билан оғриганлар 32 нафар беморда (25,7%), бир томонда тизза ва ахилл рефлексларининг пасайиши билан оғриганлар 28 нафар бемор (22,7%), 26 нафар беморда эса (21,0%) “тортишиш” белгисининг, ҳаракатдаги бузилишлар ёки оёқ мушаклари тонусининг шикастланиши қабили бар бўлмаган.

Беморларни кўриқдан ўтказишнинг барча 100% ҳолатларида турли ёш ва касбий хусусиятларга эга эркакларда ҳам, аёлларда ҳам, юриш, жисмоний зўриқиш, узоқ вақт ҳаракатсиз ҳолатда ўтириш пайтида оғриқнинг фаолланиши, оғриқ синдроми туйғайли бел соҳасида фаол ҳаракатларнинг чекланиши қайд этилган.

Диссертациянинг тўртинчи бобда “Амбулатория шароитида белнинг пастки қисмида оғриқ синдромини таъхислаш усули” амбулатория шароитида белнинг пастки қисмида оғриқни таъхислаш усуллари, бел пастки қисмида оғриқни аниқлаш ва даволаш бўйича халқаро менеджмент тажрибалари аниқланган. Амбулатор-поликлиника шароитида кўриқ давомида аниқланган бел пастки қисмида оғриқни ўрганиш бўйича сўровномалар олиб борилган, ҳамда тавсиялар амалга оширилган.

Сўровнома ёрдамида белнинг пастки қисмида оғриқ билан касалланган беморларни аниқлаш натижалари, белнинг пастки қисмида оғриғи бўлган беморларни амбулатор шароитларда кўриқдан ўтказиш бўйича диагностика ва даволаш, профилактика алгоритм мезонлари ўрганилган.



Сўнгги пайтларда кўпгина муаллифлар оғриқ синдромларини таъхислаш ва даволаш универсал вазифа деган фикрни билдиришган, ва бу жараён оғриқнинг локализацияси ва этиологиясига боғлиқ эътиборни таъкидлашган. Бундай таъхислаш беморни ҳар томонлама текширишга асосланади, бунда шифокорлар классик неврологик текширув қондаларига мурожаат қилишади, керак бўлганда, нейровизуализация техникаси, махсус методика ва шкалалар ёрдамида маълум бир оғриқ синдроми ҳолатларини синаб кўришни ҳам амалга оширишади. Саволнинг ушбу формуласи билан оғриқни ўрганиш ва баҳолашнинг замонавий усуллари юзаниш уйғотди.

Бугунги кунга келиб, умуртка поғонаси ва унинг атрофидаги тўқималарнинг патологиясини таснифлаш ва терминологиясига белинг пастки қисмида оғриқни келтириб чиқарадиган ягона умумий қабул қилинган ёндашув мажмууд эмас. Турли хил адабиётларда, турли муаллифлар оғриқ билан боғлиқ бўлган бир хил патологик жараёнларни очиб берадиган турли хил атамалардан фойдаланганлар.

